



“ 15 ” май 2019 у № 24

**Гендер статистикасига оид кўрсаткичларни шакллантириш бўйича  
тартибни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон Қарорига мувофиқ Давлат статистика қўмитаси қарор қилади:

1. Гендер статистикасига оид кўрсаткичларни шакллантириш бўйича тартиб иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор 2019 йил 20 майдан кучга киради.

Раис

A handwritten signature in black ink, appearing to be 'B. Begalov', written over a horizontal line.

Б.Бегалов

## Гендер статистикасига оид кўрсаткичларни шакллантириш бўйича ТАРТИБ

### I. Умумий қоидалар

Гендер статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича тартиб (кейинги ўринларда тартиб деб аталади) гендер статистикаси тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

### II. Асосий тушунча ва таърифлар

1. Ушбу тартибда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

**гендер (ижтимоий жинс)** - аёллар ва эркаклар ўртасидаги ўзгарувчан ижтимоий - маданий фарқларни, ролларни, ахлоқ андозаларини, “табиий” (“туғма”) бўлмаган, яъни жамоат тасаввуридаги меъёрлар ва анъаналар асносида улар томонидан ўзлаштирилган сифат ва бошқа таърифларни ифодаловчи терминдир. Аёллар ва эркакларга хос бўлган тушунчалар тўғрисидаги аёл ва эркакларнинг тасаввури, турли соҳаларда вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин (ўзгармоқда ҳам);

**гендер статистикаси** - аёллар ва эркакларнинг гендер нуқтаи назаридан фарқини аниқлаш ва буни тизимли равишда ўрганиб бориш учун аёл ва эркакларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган барча йўналишлардаги ҳақиқий ўрнини ҳолисона акс эттирувчи статистика ҳисобланади;

**гендер тенглиги** - эркаклар ва аёллар ижтимоий соҳада тенг тарзда аҳамиятга, тенг ҳуқуқ ва масъулиятга ҳамда тенг шароитларга (манбаа ва имкониятларга тенг тарзда эришиш) эга бўлсалар тенглик ўз аксини топади;

**доимий аҳоли** - рўйхатдан ўтказилаётган вақтда муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қилаётган аҳолидан иборат бўлиб, бунга ушбу ҳудудда доимий рўйхатда туриб, лекин вақтинча яшамайдиган аҳоли ҳам киритилади;

**меҳнат ёшидаги аҳоли сони** - 16 ёшдан 60 ёшгача эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллардан ташкил топади (16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар **меҳнат ёшидан кичиклар**, 60 ёшдан катта эркаклар ва 55 ёшдан катта аёллар **меҳнат ёшидан катталар** тоифаларига ажратилади);

**гўдақлар ўлими** - ҳаётининг биринчи йилида содир бўлган болалар ўлими ходисаси;